

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ
ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

**645 Ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга
соатбай ҳақ тўлаш миқдорларини тасдиқлаш тўғри-
сида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил
30 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2645*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 21 ноябрдаги ПФ-4672-сон «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдори-
ни ошириш тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбе-
кистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими
вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги **қарор
қилади:**

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й.

1. Ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш 2014 йил 15 декабрдан бошлаб мазкур қарорга иловада кўрсатилган миқдорларда амалга оширилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2014 йил 29 сентябрдаги 9/й, 54 ва 23-ққ-сон «Ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2619, 2014 йил 8 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 41-сон, 513-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Олий ва ўрта махсус
таълим вазири**

А. ВАҲАБОВ

Тошкент ш.,
2014 йил 25 декабрь,
13-сон

Халқ таълими вазири

У. ИНОЯТОВ

Тошкент ш.,
2014 йил 25 декабрь,
62-сон

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазири**

А. АБДУХАКИМОВ

Тошкент ш.,
2014 йил 25 декабрь,
33-қ/қ-сон

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги,
Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини
ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг
2014 йил 25 декабрдаги 13, 62 ва
33-қ/қ-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга
соатбай ҳақ тўлаш
МИҚДОРЛАРИ**

1. Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва илмий тадқиқот муассасаларида, қайта тайёрлаш ва малака ошириш муассасаларида, шунингдек мазкур давлат муассасаларида ташкил этиладиган ўқув курсларида ўқув машғулотлари ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари

T/p	Контингент	Ўқув машғулотларини олиб боровчи шахслар	Соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари (сўм)
1.	Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари	профессор, фан доктори	24 879,6
		доцент, фан номзоди	14 591,6
		илмий даражага эга бўлмаган шахслар*	10 009,9
2.	Олий таълим муассасалари талабалари	профессор, фан доктори	28 433,8
		доцент, фан номзоди	17 958,8
		илмий даражага эга бўлмаган шахслар	13 012,7
3.	Катта илмий ходим-изланувчилар, раҳбар ходимлар ва мутахассислар малакасини ошириш бўйича таълим муассасалари (курслари) тингловчилари	профессор, фан доктори	34 358,2
		доцент, фан номзоди	23 570,9
		илмий даражага эга бўлмаган шахслар	19 018,7
4.	Курслар тингловчилари, ўрта махсус, касб-ҳунар маълумоти талаб этиладиган лавозимларни эгаллаб турган ишчилар, ходимлар**	профессор, фан доктори	19 403,3
		доцент, фан номзоди	11 294,8
		илмий даражага эга бўлмаган шахслар*	7 618,5

2. Умумтаълим мактаблари педагог ходимларига ўтган дарси учун соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари

T/p	Лавозимлар номи	Малака тоифаси	Соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари (сўм)
1.	Умумтаълим мактабларининг бошланғич синфлари ўқитувчиси, ўқитувчи-логопеди, логопедия шохобчаси мудири	олий малака тоифали	9 772,4
		биринчи малака тоифали	9 211,3
		иккинчи малака тоифали	8 625,7
		олий маълумотли	8 054,6
		ўрта махсус маълумотли	7 529,2

T/p	Лавозимлар номи	Малака тоифаси	Соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари (сўм)
2.	Умумтаълим мактабларининг юқори синфлари ўқитувчиси	олий малака тоифали	8 096,7
		биринчи малака тоифали	7 342,7
		иккинчи малака тоифали	6 876,8
		олий маълумотли	6 423,5
		ўрта махсус маълумотли	6 009,9

* илмий даражага эга бўлмаган, мутахассислик фанлари бўйича машғулот ўтказиш учун жалб қилинадиган шахслар.

** ушбу бандда белгиланган ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари тавсиявий хусусиятга эга.

Изоҳ:

1. Соатбай ҳақ тўлаш миқдори таркибига меҳнат таътили ҳақи киритилган.

2. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Қишлоқ хўжалиги фанлар академияси академиклари меҳнатига соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари 15 фоизга оширилади.

3. Конкурс ва танловлар жюрилари аъзолари, шунингдек конкурс ишлари тақризчилари меҳнатига ҳақ тўлашда олий таълим муассасалари талабалари билан ўқув машғулотлари олиб борганлик учун тўланадиган соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари қўлланилади.

4. Таълим муассасаларида соатбай ҳақ тўлаш асосида ўқув машғулотларини ўтказиш учун шахсларни жалб қилиш, фақат муайян муассаса штатидаги ўқитувчилар таркиби томонидан ўтказилмайдиган ўқув машғулотлари ва фанлари учун кўзда тутилади. Ўқув машғулотларини соатбай ҳақ тўлаш асосида олиб борганлик учун ҳақ тўлаш харажатлари таълим муассасаси харажатлар сметасининг ҳисоб-китоблар ёйилмасида алоҳида қатор билан ажратилган соатбай ҳақ тўлаш фонди маблағлари доирасида амалга оширилади.

5. Соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари академик соатдан келиб чиқиб белгиланган.

3. Мазкур ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

2014 йил 25 декабрь